

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
boshlagan

№43, 2022-йил
26-октабр,
chorshanba (32.737)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ РИВОЖИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 октябрь кун
Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, шу йил апрелда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтган, унда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш, бу орқали бандликни таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта режалар белгилаб олинган эди.

Хусусан, жорий йилда 10 мингта тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, уларнинг сонини 80 мингга етказиш, 9 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, 810 та саноат лойиҳасини амалга ошириш, 430 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Кишлоқ ҳўжалигида 12 минг 500 гектар ерни аҳолига тақсимлаб, 3 миллион 200 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, 11 минг гектар интенсив боғ ва токзор ташкил этиб, мева-сабзавот экспортини 60 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилган. Ижтимоий соҳада 174 та мактаб, боғча ва поликлиника қуриш ва таъмирлаш, 1,5 минг километр ичимлик суви тармоғи тортиш ҳамда 1,8 минг километр ички йўللарни таъмирлаш режалаштирилган.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Азимов шу борада қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Ундан келиб чиқиб, йил якунигача ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама қилинди.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш масаласига эътибор қаратилиб, бу орқали келгуси йил вилоятда 207 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун имкониятлар кўп. Жумладан, соатиға 1,5 мингта автомобиль қатновига эға Шаҳрисабз – Китоб йўли бўйида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун 3 мингта тадбиркорни жалб этса бўлади. Шаҳрисабзнинг Мираки ва Китобнинг Қайнар кишлоқларида туризми ривожлантириш орқали 10 мингта иш ўрни яратиш имкони бор. Шунингдек, бўш турган бино ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш зарур.

Вилоятда катта салоҳиятға эға яна бир соҳа – саноат. Бу йўналишда 960 та лойиҳани амалға ошириб, 20 минг нафар аҳолини банд қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Хусусан, 22 та норуда конни ўзлаштириб, талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкони бор. Кимё, нефть-газ, энергетика тизимидаги йирик корхоналар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиб, 65 та маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалға ошириш лозим. Кластерлар томонидан таклиф этилган 12 та лойиҳа пахтани чуқур қайта ишлаш даражасини оширади.

Учинчи муҳим йўналиш – кишлоқ ҳўжалиги. Жумладан, 18 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаб, қўшимча 90 миллиард сўмлик маҳсулот етиштириш, 66 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиб, 300 миллион қуб метр сувини иқтисод қилиш, 10 минг гектар пахта ва ғалла майдонини қисқартириш ҳисобига 32 минг оила бандлигини таъминлаш мумкин. Умуман, имкониятлардан тўғри фойдаланилса, бу соҳада 295 минг нафар аҳоли ишли бўлади.

Йиғилишда ижтимоий масалаларға ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Қашқадарёда марказлашган тоза ичимлик суви таъминотини келгуси йилда 60 фоизға етказиш, 6 минг километр ички йўللар ва кўприкларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда мактабгача таълим муассасаси ва поликлиникалар қуриш, уй-жойға муҳтож аҳолининг шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

– Инсон қадри, деган тамойил асосида ишлаб, ҳамма нарсани халқнинг муаммоларидан келиб чиқиб амалға оширамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Инвестиция дастурида маҳалланинг улуши бўлиши керак. Буни халқ билан маслахатлашиб, ҳокимлар таклиф беради, маҳаллий кенгашлар бажарилишини назорат қилади. Охириги беш йилда кўп жойларда саноат ривожланди. Энди инвестицияни энг оғир маҳаллаларға йўналтириш, уларни яхшилаш керак.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари қайси маҳаллаларда иш-сизлик кўпу, қайсиларида инфратузилма муаммоси борлиги, қандай тажрибаларни оммалаштириш зарурлиги ҳақида таклифларини билдирди.

Улар асосида Қашқадарёда тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун 2023 йилда республика бюджетида 685 миллиард сўм назарда тутилиши таъкидланди.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” доирасида вилоят маҳаллалариға 135 миллиард сўм, яна 670 та лойиҳани амалға оширишға қўшимча 265 миллиард сўм ажратилиши айтилди.

Бундан ташқари, 2023 ва 2024 йилларда ичимлик суви ва автомобиль йўллари лойиҳаларига қўшимча 410 миллион доллар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йил якунигача, шу тартибда, барча вилоят ҳокимлари ҳисоботи кўриб чиқилиши, келгуси йилги инвестиция дастури шу асосида шакллантирилиши белгиланди.

ЎЗА.



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25 октябрь кун
бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши узоқ давом этди.

2022 - 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалға оширишға оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг ўтган тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кенг муҳокама қилинди.

Дарвоқе, ҳисобот жорий йил учун долзарб деб топилган ва амалға оширилиши режалаштирилган мақсадларнинг 9 ой давомида қанчалик бажарилганини сарҳисоб қилиш, белгиланган мақсадларға етиш учун қолган муддатда нималарға эътибор қаратиш лозимлигини англаш учун ҳам зарур эди.

Ҳукумат ҳисоботида Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоровнинг маърузаси тингланди.

Мажлисида таъкидланганидек, Давлат дастури ижросини тизимли ва барвақт ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида дастур бандларининг ижросини ҳар ойда таҳлил қилиш, танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти жорий этилган. Бу каби омиллар дастурдаги бандларнинг ўз вақтида ижроси таъминланишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги айтилди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 105,8 фоизни, шундан ялпи ички маҳсулот таркибида саноат 105,3 фоизни, хизматлар 107,9 фоизни, кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги 103,6 фоизни ташкил қилганлиги қайд этилди.

Давоми 2-бетда. ►

МУНОСАБАТ

ХАЛҚАРО ШЕРИКЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан стратегик шериклик алоқалари дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларига, ўзаро яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланган. Бугунги кунда Туркменистон билан муносабатларимиз ҳам шу асосида юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоиз, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги алоқалар азалдан мустаҳкам бўлган. Асрлар мобайнида тинч, ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келган. Кейинги йилларда халқларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янада мустаҳкамланмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20-21 октябрь кунлари Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедовнинг таклифига биноан расмий таширф билан ушбу мамлакатда бўлгани ўзбек-туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, қардошлик ришталарини мустаҳкамлашға хизмат қилиши, шубҳасиз.

Эътиборли жиҳати, мулоқотлар жараёнида икки давлат раҳбарлари кооперация лойиҳаларини ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, саноат, энергетика, кимё тармоғи ва кишлоқ ҳўжалиги каби устувор тармоқларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалға ошириш борасидаги ишларни кучайтиришға келишиб олинди.

Қайд этиш жоиз, транспорт соҳаси ҳамкорлиқнинг стратегик йўналишларидан биридир. Шу боис, давлат раҳбарлари

“Шарқ – Ғарб” ва “Шимол – Жануб”, йўналишларида, шу жумладан Туркманбоши порти имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлақларини фаол ривожлантиришға аҳдлашиб олдилар. Транспорт-транзит коридорининг муваффақиятли амалға оширилиши транзит юк оқимларини кўпайтириш ва лойиҳа иштирокчиларини ташқи бозорларға энг қисқа ва самарали равишда кириш имконини беради.

Шунингдек, парламентларо мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашға алоҳида эътибор қаратилди.

Икки давлат иқтисодий ва савдо алоқаларини яхшилаш учун амалға ошираётган чора-тадбирлар мамлакатларимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, ялпи ички маҳсулот таркибида савдо ва саноатнинг улушини ошириш, экспорт бозорларига чиқиш ва аҳолини сифатли саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, таширф чоғида имзоланган ҳужжатлар дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашға, икки мамлакатнинг раванкиға хизмат қилади.

Ўрол ЎРОЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

ОБУНА — 2023

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.
Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



PARLAMENT SOATI

 t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

 facebook.com/uzbekistonovozi

 instagram.com/uzbekiston_ovozi

 info@uzbovozi.uz

 www.uzbovozi.uz

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Депутатлар Давлат дастурининг ҳар бир бандида ҳалқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсизлик даражасини қисқартириш ва тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар турганини, баъзи масалалар режада кўрсатилганидан орқада қолаётганини, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини ҳам таъкидлаб ўтишди.

Мажлисида Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз муносабатини билдирди.

ЎзДП ФРАКЦИЯСИ ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?

Қайсидир фракция таълим, яна бошқаси аҳолига тоза ичимлик суви кераклигини таъкидлаган бўлса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси номидан депутат Улуғбек Вафаев дунёда кузатилаётган мураккаб геосиёсий вазиятда биринчи навбатда халқимизнинг кундалик турмуши билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича муҳим натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Хусусан, ҳар бир маҳаллада ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағлари маҳалладаги бирламчи ишларни бажаришда қўл келмоқда.

Ҳисобот даврида ҳудудларда 81 та янги оилавий шифокорлик пункти, 25 та оилавий поликлиника ва 1002 та маҳалла тиббий пунктлари ташкил этилиб, бирламчи тиббий хизмат 3,5 млн. нафар аҳолига яқинлаштирилгани келтирилган.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестрининг “Темир дафтар” ахборот тизими билан интеграция қилиниши натижасида мамлакатимизда эҳтиёжманд оилалар самарали қўллаб-қувватланмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим натижаларга эришилмоқда. Ҳисобот даврида 134 минг нафарга яқин хотин-қизлар моно ва тадбиркорлик марказларида касб-ҳунарга ўқитилган. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 598, 8 минг нафарига амалий ёрдам кўрсатилган.

Халқ демократик партияси аввалги ҳисоботларни муҳокама қилиш вақтида берган таклифлар ҳукумат томонидан инобатга олинганини қайд этади.

Давлат дастурининг ижроси халқимизни ягона эзгу мақсад йўлида жипслаштиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳукумат дастур ижросида кузатилаётган масалаларни ҳал қилиш чораларини кўриши зарур, дейилди муносабатда.

Биринчидан, Давлат дастурида маҳаллий ижро ҳоқимияти зиммасига юклатилган вазифалар ўз вақтида бажарилиши бўйича тизимли мониторингни йўлга қўйиш зарурати юзага келган. **Муҳокамалар жараёнида ижросида камчиликлар кузатилаётган**

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.



аксарият масалалар маҳаллий ҳокимликлар масъулияти билан боғлиқ бўлмоқда.

Иккинчидан, янгидан ташкил этилган оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, айниқса, **маҳалла тиббий пунктларида хизмат кўрсатиш шароитларини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, мактабларни чет тили ўқитувчилари билан таъминлаш борасидаги ишлар самардорлиги ошириш зарур.**

Халқ демократик партияси фракцияси партия Давлат дастури ижросида жамоатчилик ва депутатлик назоратини самарали олиб бориш, вазирлик-идоралар билан ҳамкорлик қилиш орқали фаол иштирок этишини маълум қилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси ҳақидаги ҳисоботи маъқулланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ЧУҚУР МУҲОКАМАЛАР

Мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Халқ вакиллари ушбу ҳужжат юзасидан бир қатор саволларни ўртага ташлашди, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича асосли таклифларни илгари суришди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солишинг самарали механизмларини жорий этиш, унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасининг номи ва мазкур ҳужжатдаги айрим нор-

малар депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Лойиҳада давлат ташкилотида аниқланган манфаатлар тўқнашуви вазиятларини ҳисобга олиш реестри юритилиши, манфаатлар тўқнашувида оид талабларни бузганлик учун ҳуқуқий оқибатлар назарда тутилган.

Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси юзасидан берилган таклифлар эътиборга олинди ва ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисида энг муҳокамаларга бой бўлган масалалардан бири Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўлди.

Депутатлар лойиҳа юзасидан айрим эътирозларини билдирди. Айрим меъёрларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан **Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 2641-моддасига бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиши таклиф этилмоқда.**

Депутатлар қуйидаги мазмундаги савол билан мурожаат қилди. Агар белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғарма давлат бюджети иштирокисиз ташкил этилган бўлса ҳам текшириладими?

Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари топшириқ бўладиган бўлса, ҳаммасини текширамыз, деган мазмунда жавоб берди.

Бу жавоб Ҳисоб палатаси давлат бюджетига алоқадор бўлмаган жамғармаларни ҳам текширмоқчими, деган табиий саволларни юзага келтирди. Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси ўзи ундирган маблағларнинг 8 фоизини ушлаб қолиб, жамғарма ташкил этмоқчи эканлиги ҳам халқ вакилларида саволларни уйғотди.

Депутатлар агар бюджет устидан назорат қилувчи олий орган жамғарма ташкил қилса, жамғарма маблағлари қандай сарфланаётганини ким назорат қилади ва харажатлари давлат томонидан қопланадиган Ҳисоб палатасига жамғарма нима учун керак каби саволлар билан мурожаат қилишди.

Қизғин кечган мажлисида халқ вакиллари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни билдиришди ва узоқ давом этган муҳокамалар, савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси масъул қўмидага қайтарилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга қўшимча киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжатда фуқаролар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан судларга мурожаат қилиш чоғида белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдориди давлат божи тўлаши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари судлар орқали ҳимоя қилиниши кенгайтирилади, фуқароларнинг оид судловга эришиш даражаси янада ошади.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва бюджетнома Олий Мажлиснинг палаталарига 15 октябрдан кечиктирмасдан киритилиши белгиланмоқда. Бу меъёр давлат бюджетини шакллантириш, тасдиқлаш жараёнларини янада тизимлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бу қонун лойиҳасидан қўзланган асосий мақсадлардан бири “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва бюджетнома Олий Мажлиснинг палаталарига белгиланган вақтда етиб келишига эришишдир. Депутатлар муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳасини маъқуллашди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ?

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 27 ОКТАБРДА ЯНА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ОСТОНА ШАХРИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОСТОНАДА «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ - МАРКАЗИЙ ОСИЁ» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ. БУ, ШУБҲАСИЗ, НОЁБ ВА ТАРИХИЙ САММИТ БЎЛАДИ.

ТАН ОЛИШ КЕРАК, КЎПЧИЛИК ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ҲАҚИДА КЕНГРОҚ МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА ЭМАС. ОСТОНАДАГИ САММИТ БЕЖИЗ ЎТҚАЗИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ, ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СТРАТЕГИК МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛСА КЕРАК. ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА, ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНИШИГА ЭРИШИЛГАН УШБУ МАКОН ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ.

Европа Иттифоқи халқаро иқтисодий ҳамда сиёсий бирлашма ҳисобланади ва айни пайтда у 28 давлатни ўз ичига олади. Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг ижтимоий институтларини ривожлантириш ва хавфсизлик сиёсати учун умумий векторни белгилайди.

ЕИнинг мақсадлари Европа халқларининг мустақкам иттифоқини вужудга келтириш, ички чегаралари бўлмаган макон яратишдан иборат. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро таъсирни кучайтириш йўли билан мувофиқлаштирилган узоқ мuddатли иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш ҳам асосий ғояларидан саналади.

Дастлаб Европа Иттифоқи таркибига фақат Ғарбий Европа давлатлари, хусусан, Бельгия, Франция, Люксембург, Германия, Нидерландия ва Италия кирган. Уюшма асосан иқтисодий мақсадларга қаратилган ҳаракатларни илгари суради. У Европа кўмир ҳамда пўлат ҳамжамияти негизига вужудга келган ва 1957 йилда Рим шартномасига кўра, Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИ) ташкил этилган. Натижада унинг аъзолари бир-биридан божхона тўловларини ўндиришни тўхтатди. Бу эса мамлакатлар ўртасидаги савдо

жараёнларини анча соддалаштирди. 1973 йилда Дания, Ирландия ва Буюк Британия ҳамжамиятнинг аъзосига айланди.

Маълумотларга кўра, ЕИ шаклланиш тарихидаги энг муҳим давр 1990 йилларга тўғри келади. Яъни, собиқ совет иттифоқи парчаланиб бораётган бир пайтда Европа ўзаро интеграция йўлидан борди. 1993 йилда ЕИ давлатлари Маастрихт шартномасини имзолади. У тўртта асосий ҳаракат, яъни товарлар, хизматлар, одамлар ва валюта эркинлигида устунлиқни белгилаб беради. Айнан ушбу воқеа ЕИ мавжудлигининг асосига айланди.

2000 йилнинг бошларида Шарқий ва Ғарбий Европа ўртасидаги сиёсий тафовутлар юмшай бошлади – бу даврда Европа Иттифоқи таркибига бирданига 10 та янги давлат, 2007 йилда эса Болгария ҳамда Руминия мамлакатлари қўшилди.

Европа Иттифоқи фаолияти учта асосий тузилмага боғлиқ. Булар Европа Комиссияси, Парламенти ҳамда Кенгаши ҳисобланади.

Иттифокнинг энг юқори ижро этувчи органи Европа Комиссияси бўлиб, у бошқа қатор фаолиятлардан ташқари қонун ижодкорлиги билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, Европа



Иттифоқида қабул қилинган ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишини назорат қилади. Бундан ташқари, Комиссия Жаҳон Савдо Ташкилоти ва G7да ЕИга вакиллик қилади. Комиссиянинг бошида иттифокқа аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан сайланадиган ва Европа парламенти томонидан тасдиқланадиган раис туради.

Европа парламенти Комиссиянинг қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқади. Парламент аъзолари ҳар беш йилда бир марта иштирокчи мамлакатлар фуқаролари орасидан сайланади. Депутатлар фракцияларга, яъни европартияларга бўлинган. Масалан, “Европа учун либераллар ва демократлар альянси”, “Европа яшиллар партияси”, ультраконсерватив “Миллатлар ва эркинликларнинг Европаси” сингари ўндан ортқ партиялар мавжуд.

Европа Кенгаши Европа Иттифокининг қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқадиغان олий сиёсий орган саналади. Мазкур тузилма пар-

ламент томонидан таклиф қилинган қонунни қабул қилиши ёки рад этиши мумкин. Кенгаш Европа Иттифоқида аъзо давлатлар раҳбарларидан иборат бўлиб, барча мамлакатларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб беришга хизмат қилади. Кенгашнинг асосий вазифаси сиёсий интеграциянинг умумий йўналишини ишлаб чиқишдан иборат.

Манбаларда келтирилишча, Европа Иттифоқи бюжетини шакллантиришнинг энг катта манбаи аъзо давлатларнинг бадаллари ҳисобланади. Уларнинг ҳажми ҳар бир мамлакатнинг ялпи ички даромади асосида аниқланади. Европа Иттифокининг иқтисодий етакчиси Германия бўлиб, 2020 йилда унинг ялпи ички маҳсулоти тахминан 3,85 триллион долларни ташкил қилди. Ундан кейин 2,63 триллион доллар билан Франция ва 1,89 триллион доллар билан Италия туради.

Европа Иттифоқи ҳамкорлик орқали аъзо давлатлар ва бутун дунёдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга ҳа-

ракат қилади. Шу сабабли, бирор бир мамлакат, жамият Европа Иттифоқи ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса ҳам, у ҳуқуқларнинг бузилишига қарши курашиш чораларини кўриши мумкин.

Шунингдек, ЕИ билан боғлиқ яна кўплаб атамалар ва тушунчалар мавжуд. Мисол учун, Евроҳудуд 20 га яқин давлатни ўз ичига олган валюта иттифоқи бўлиб, улар ҳудудида умумий пул бирлиги мавжуд.

Евроинтеграция эса умумий бозорда бизнес юритишдаги кўпгина тўсиқларни олиб ташлашни назарда тутади. Айтайлик, бошқа бир аъзо давлатдан келган тадбиркор бемалол Франция ёки Германияда савдо қилиши мумкин. Чунки барча стандартлар ва тарифлар ҳар бир Европа Иттифоқида аъзо давлатлар фуқаролари учун бир хилда жорий этилган.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг ўзига хос мажбуриятлари ҳам бор. Жумладан, улар илмий-тадқиқотлар ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида бир-бирига ёрдам беришга, монополияга қарши курашиши ва экологик сиёсатнинг умумий қоидаларига риоя қилиши шарт.

Шу билан бирга, Европа Иттифокининг Адлия суди ҳам фаолият юритади ва у Люксембургда тўпланади. Унинг таркибида Иттифок давлатларининг ҳар бирдан иштирокчи жой олади. Суд Европа қонунчилигига риоя қилишни кафолатлайди. Жисмоний шахсларнинг даъволарини қабул қилади ва кўриб чиқади. Халқаро хусусиятга эга масалаларни ҳам кўриб чиқади, яъни Европа Иттифоқида аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни тартибга солишда ҳам иштирок этади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА ДЕПУТАТЛИК ИНСТИТУТИГА МУНОСАБАТ АЧИНАРЛИ ҲОЛАТДА ЭДИ. ҚАТЪИЙ ВА ИЗЧИЛ СИЁСАТ АСОСИДА ҲОЗИР ВАЗИЯТ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРМОҚДА. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ПАЙТЛАР ТУШИГА КИРМАГАН ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР БЎЛЯПТИ. ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БОШ ДАСТУРИДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ВАКОЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН. ОЧИҒИНИ АЙТГАН ЯХШИ, УЛАРНИНГ ҲАММАСИ АМАЛГА ОШИШИГА ИШОНҚИРАМАЙ ҚАРАГАНЛАР ҲАМ БЎЛДИ.

Давлат дастури стратегик ҳужжат, унда кўтарилган масала эсдан чиқиб қолиши мумкин эмас. Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат дастури ижросининг бориши ҳақида ҳукумат ҳисоботи муҳокама этилди. Хусусан, маҳаллий Кенгашлар ваколатлари билан боғлиқ масалалар тизимли ҳал этилиши кутилаётгани, бу бўйича керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланаётгани ҳақида маълумот берилди. Изчил, ортга қайтмайдиган демократик ислохотларни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, халқимиз, депутатлар ҳам кутмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтганига ҳам икки йилдан ошибди. Бу даврда депутатлар иималарга улгурди, нималарга йўқ? Эсда қоладиган ишлар бўлдими, ўзи? Депутатлик ҳаётини кўргандан кейин уларда қандай фикрлар, таклифлар туғилди?

Депутатларнинг фикрига ўтишдан олдин Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси Толибжон Мадумаровни эшитсак:



– Мамлакатимизда халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш режалаштириляпти. Хусусан, улар ҳоким лавозимига номзодларни илгари суришлари, унга ишончсизлик билдиришлари, ноқонуний қарорлар ва сайловчилар ташаббуслари билан депутат мандатини беқор қилишлари мумкин бўлади. Бу Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилаётган Президент қарори лойиҳасида акс этган.

Вакиллик органи иккига бўлинади. Ижро

ҳокимиятини ҳокимлик бошқаради, назорат органи бўлган маҳаллий Кенгашни ҳам ҳоким бошқаради. Топшириқлар кундан кунга ортиб бораётгани, ҳар иккила тизимни бошқаришда қийинчилик туғилаётганини ҳисобга олган ҳолда, назорат органини маҳаллий Кенгаш бошқаргани маъқул, деган таклиф билдирилган эди. Маҳаллий Кенгаш назорат органи ҳисобланади. Депутатларни халқ сайлайди. Улар ҳудудий масалаларни назорат қилиши самарадорликка эришишда муҳим саналади.

Ҳокимни сайлаш бўйича Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиляпти, таклифлар берилляпти. Улар Сенатда топшириқ доирасида тайёрланиб, тегишли давлат органларига етказилди. Конституцияга маҳаллий вакиллик органи ажратилиши тўғрисида меъёри киритиш таклифи берилган. У Конституциявий қонун қабул қилинганда кучга киради. Қандай тарзда, қачон амалга оширилиши қонуннинг маъқулланишига қараб айтилади. Унгача бўладиган жараёнда Адлия вазирлиги, маҳаллий Кенгашлар, парламент, Сенат билан бирга вакиллик органи ажралгандан кейинги талаб этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар лойиҳа тарзида тайёрлаб, тегишли вазирлик ва идораларга берилди. Хулоса олиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Хулосалар олиниб, фикрлар берилганидан сўнг қонун тариқасида қонунчилик палатасига, Сенатга тақдим этилади.

Лойиҳа ҳали эълон қилингани йўқ. Дастлабки босқичда маҳаллалар билан ишланди. Маҳаллий Кенгашлар, ижро ҳокимиятига берилди. Улардан таклиф-мулоҳазалар олинади. Вазирлар Маҳкамаси вакиллик органи ажралганда қандай ишлар қилинишини белгилаб бериши керак.

Депутатларнинг асосий шакли бу Кенгаш ҳисобланади. Доимий комиссиялар Кенгашни ташкил этади. Улар шу пайтгача жамоатчилик асосида кабинетсиз, ойлксиз ишлаб келишган. Энди доимий комиссиялар, Кенгаш доимий ишлаши керак.

Лойиҳада неча комиссия, неча киши ишлаши структураси берилган. Қайси комиссия қолиши керак, комиссиялар қандай ишлайди, туманлардаги 30, вилоятлардаги 60 нафар депутатнинг ҳаммаси ишлайдими, деган саволлар ҳам бор. Дастлабки босқичда доимий комиссия раиси, ўринбосари бўлади, уларга депутатлар бириктирилади.

Доимий ишлашга ўтмаса, назорат шакли фаолиятини кўрсата олмайди. Депутат, шунингдек, бошқа юкламалардан холи бўлиши керак. Мактаб директори, табдиркорлар депутатлик ишларини бажара олмайди. Назорат органи ажралганидан кейин улар ҳам жойида ишлаши керак.

Шўҳрат ЮСУПОВ, халқ депутатлари Яккабоғ туман Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

– “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари ташкил этилди. Котибият мудир Кенгаш депутатлари орасидан овоз бериш орқали сайланиши керак эди. Депутатлар котибият мудир лавозимига мени сайлашди, 2021 йил 1 январдан халқ депутатлари Яккабоғ тумани Кенгаши котибият мудир вазифасини бажариб келмоқдаман.

Депутат сифатида аҳоли билан учрашувлар, айниқса, кам таъминланган оила аъзолари билан учрашув, ҳолидан хабар олиш, муаммоларига ечим топиш, аҳоли манфаатлари учун дадил курашиб, сессияларга масалалар олиб чиқиш жараёнларида ёдда қоларли таассуротлар бўлган.

Президент томонидан илгари сурилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида “Мевазор” маҳалласидаги қабристонни кенгайтириш мақсадида



750 миллион сўм маблағ ажратилишига фуқароларнинг ёрдамида эришдик. Бу нафақат мен учун, балки бутун маҳалла учун қувончли бўлди.

Таклифга келсак, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтиришда депутатлар биргаликда режа асосида туманни 3 йиллик ривожлантириш харитасини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Депутатлик сўрови натижадорлигини ошириш ҳам маҳаллий Кенгаш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади. Яъни, сўров юборилган ташкилот раҳбарлари масъулиятни ҳис қилган ҳолда, масала ечимига жиддий ёндашиши, депутат сўровига жавоб бермаган ташкилот раҳбарларига нисбатан чора кўрилиши керак.

Яна бир муҳим масала – маҳаллий Кенгаш иқтисодий мустақил бўлиши керак. Кераксиз мажлисбозликдан, йиғилишлардан холи бўлиши лозим. Шундагина асосий ишларга, ҳудудий масалалар ечимига кўпроқ эътибор қаратилади.



Сардорбек ҚОСИМОВ, халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

– Сайловчилар, округимдаги аҳолига тегадиган ёрдам, кичик бир кўмак ортидан келадиган миннатдорлик сўзлари юрагимда қолади. Бирон бир мурожаат ҳал этилса, кимгадир, қайсидир оилага нафим тегса, улар билан баробар қувонаман.

Андижон тумани Буюк Турон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 34-давлат мактабгача таълим ташкилоти 300 ўринга мослаб қайта қурилди. Бино 1950 йилларда бунёд этилган 70 ўринга мослаштирилган



бошлади. Эртага Кенгаш депутатлар олдида ҳисоб беришимиз керак, деган масъулият билан янада яхши ишлай бошлашдик.

Таклифларим ҳам бор. Маълумки, депутатликка номзодларни сиёсий партиялар кўрсатади. Ижро ҳокимияти мутасаддилари орасидан номзод кўрсатмаслик таклифини берган бўлардим. Чунки, у ҳисоб берувчи. Ўзига ўзи ҳисоб берса, масъулиятни етарлиқ ҳис қилмайди, фаолиятга енгил ёндашиш бошланиши мумкин. Умуман, Кенгаш ижро ҳокимиятидан ажралиб чиқиши керак, деб ҳисоблайман. Шунда фаолиятимиз шаффофлиги ортган бўларди.

Меҳринисо БОБОЕВА,

халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати:

– Ҳар бир сессияда қатнашаман. Уларда ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Саволлар берилади. Бугунги депутатлар аввалги депутатлар эмас. Илгари ҳам сессияларда, йиғилишларда иштирок этардим. Депутатлар фикрларини айтишга тортинарди. Бугун эса масъул ташкилот раҳбарларига бемалол саволлар бера олади, натижалар талаб қила олади.

Депутатлар ҳудудлардаги камчиликлар бартараф этилиши, одамларнинг ташвишлари енгил бўлиши учун курашади. Одамларга нафим тегса қувонаман. Биласизми, нима кўпроқ ёдимда қолади? Мурожаати ижобий ҳал этилган одамнинг қувончини ҳеч нарсага қиёслаб ҳам, алмашиб ҳам бўлмайди. Ҳудудимизда бир одамнинг уйи ёниб кетди. Кенгашда эҳтиёжманд оилаларга бериладиган маблағлар муҳокамасида уларнинг муаммосини баён этдим ва қўшимча маблағ ажратилишига эришдик. Муҳокамалар ҳам ҳаққоний бўлади, моддий таъминот бериладиганлар ҳақиқатан ноқорони, муҳтожми, деб сўралади.

Таклифларим: маҳалла раислиги сайловидан кейин бир қанча депутатлар ишсиз бўлиб қолди. Уларнинг иш билан таъминлашини истардим. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши раислари яхши ишлаган депутатларни рағбатлантириши керак, деб ўйлайман. Рейтинг юритилиб, унинг кўрсаткичларига қараб, яхши ишлаётган депутатларга эътибор қаратиш лозим. Чунки қайсидир депутат жон-дили билан ишлайди, кимдир эса номига фаолият юритади. Катта муқофот бериш шарт эмас, ҳар қандай рағбат одамга куч беради.



Махсуд МУСТАФОЕВ, халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши депутати:

– Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаол ишламаса, туманда режалаштирилган ишларнинг кўпи қоғозда қолиб кетади. Вазифалар, топшириқларнинг туман, кичикроқ шаҳар даражасидаги ижроси жуда муҳим, айниқса, одамларнинг кундалик турмуши, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган масала. Шунинг учун депутатларда ваколат

муассаса бўлган. Буюк Турон, Жевачи маҳаллаларидаги кўчаларда эски сим ёғочлар ўрнига бетонлиги ўрнатилди. “Жаҳонобод” маҳалласидаги 39-мактаб олдидаги катта Андижон-Ўш кўчасига пиёдалар ўтиш жойи ва йўлчиноқ ўрнатилди.

Аҳоли вакилларига 70 дан ортиқ суюлтирилган газ балонлари олишга кўмаклашилди, “Кўприкбоши” масжиди маданий мерос объекти сифатида рўйхатдан ўтказилди. “Гузар” маҳалласида жойлашган 10-давлат ихтисослашган мактаб интернатига шахсий кутубхонам фонидан 300 дан ортиқ бадий китоб совға қилдим. Бу кичик кўмакларнинг ортида одамларнинг ишончи, халқимизнинг дуолари турганидан яна куч оламан.

Маҳаллий Кенгашда доимий ишлайдиган депутатлар бўлиши керак. Кенгаш учун алоҳида бино ташкил этилса ҳам ёмон бўлмасди. Кенгаш ва депутатлар мақомини ошириш учун маҳаллий Кенгашлар тўғрисидаги қонунга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш керак.

Депутат сифатида олдимизда турган ўзимизга боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Хўп, бизга барча шароитлар яратилди, рағбатлар ҳам бор, дейлик. Аммо одамнинг юрагига ўти, халқ билан ҳамнафаслик бўлмаса, ҳар қанча яхши шароитда ҳам ишида самара кўринмайди. Шу боис депутатлар масъуллигини, масъулиятини кучайтириш керак, деб ҳисоблайман. Одамларни, халқини яхши кўрган депутат ҳамиша улар билан бирга бўлади.

Само АБДУҒАНИЕВ, халқ депутатлари Иштихон туман Кенгаши депутати:

– 2,5-3 йил қисқа муддат эмас. Дастлаб ўзимни депутат сифатида қабул қилишга, унинг масъулиятини, вазифаларини англаб олишга ҳаракат қилдим. Ёдимда қолгани шунки, одамларга, жамиятга яқинлашдим, инсонларнинг ўйларини, вақти келганда ташвишларини тушуниб бордим. Бизни сайлаган одамларнинг ишончи ҳамиша мени ҳаракатда бўлишга ундади ва ҳамон шу нуқтаи назар билан фаолият юритяпман.

Ўтган вақт ичида ҳудудимиздаги муаммоларни ўрганишга, уларга ечим топишга ҳаракат қилдик. Давлат дастурига берилган таклифлар асосида ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўчаларни асфальт қилиш, трансформаторларни яхшилаш каби бир қатор аҳолини ўйлантириб келаётган масалалар ҳал этилишига эришилди. Мутасадди ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиш ҳам яхши самара бермоқда. Бунда ҳар бир ташкилот алоҳида масъулият ҳис эта

бошлади. Эртага Кенгаш депутатлар олдида ҳисоб беришимиз керак, деган масъулият билан янада яхши ишлай бошлашдик.

Таклифларим ҳам бор. Маълумки, депутатликка номзодларни сиёсий партиялар кўрсатади. Ижро ҳокимияти мутасаддилари орасидан номзод кўрсатмаслик таклифини берган бўлардим. Чунки, у ҳисоб берувчи. Ўзига ўзи ҳисоб берса, масъулиятни етарлиқ ҳис қилмайди, фаолиятга енгил ёндашиш бошланиши мумкин. Умуман, Кенгаш ижро ҳокимиятидан ажралиб чиқиши керак, деб ҳисоблайман. Шунда фаолиятимиз шаффофлиги ортган бўларди.

Меҳринисо БОБОЕВА,
халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати:
– Ҳар бир сессияда қатнашаман. Уларда ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Саволлар берилади. Бугунги депутатлар аввалги депутатлар эмас. Илгари ҳам сессияларда, йиғилишларда иштирок этардим. Депутатлар фикрларини айтишга тортинарди. Бугун эса масъул ташкилот раҳбарларига бемалол саволлар бера олади, натижалар талаб қила олади.

Депутатлар ҳудудлардаги камчиликлар бартараф этилиши, одамларнинг ташвишлари енгил бўлиши учун курашади. Одамларга нафим тегса қувонаман. Биласизми, нима кўпроқ ёдимда қолади? Мурожаати ижобий ҳал этилган одамнинг қувончини ҳеч нарсага қиёслаб ҳам, алмашиб ҳам бўлмайди. Ҳудудимизда бир одамнинг уйи ёниб кетди. Кенгашда эҳтиёжманд оилаларга бериладиган маблағлар муҳокамасида уларнинг муаммосини баён этдим ва қўшимча маблағ ажратилишига эришдик. Муҳокамалар ҳам ҳаққоний бўлади, моддий таъминот бериладиганлар ҳақиқатан ноқорони, муҳтожми, деб сўралади.

Таклифларим: маҳалла раислиги сайловидан кейин бир қанча депутатлар ишсиз бўлиб қолди. Уларнинг иш билан таъминлашини истардим. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши раислари яхши ишлаган депутатларни рағбатлантириши керак, деб ўйлайман. Рейтинг юритилиб, унинг кўрсаткичларига қараб, яхши ишлаётган депутатларга эътибор қаратиш лозим. Чунки қайсидир депутат жон-дили билан ишлайди, кимдир эса номига фаолият юритади. Катта муқофот бериш шарт эмас, ҳар қандай рағбат одамга куч беради.

бошлади. Эртага Кенгаш депутатлар олдида ҳисоб беришимиз керак, деган масъулият билан янада яхши ишлай бошлашдик.

Таклифларим ҳам бор. Маълумки, депутатликка номзодларни сиёсий партиялар кўрсатади. Ижро ҳокимияти мутасаддилари орасидан номзод кўрсатмаслик таклифини берган бўлардим. Чунки, у ҳисоб берувчи. Ўзига ўзи ҳисоб берса, масъулиятни етарлиқ ҳис қилмайди, фаолиятга енгил ёндашиш бошланиши мумкин. Умуман, Кенгаш ижро ҳокимиятидан ажралиб чиқиши керак, деб ҳисоблайман. Шунда фаолиятимиз шаффофлиги ортган бўларди.

Меҳринисо БОБОЕВА,
халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати:
– Ҳар бир сессияда қатнашаман. Уларда ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Саволлар берилади. Бугунги депутатлар аввалги депутатлар эмас. Илгари ҳам сессияларда, йиғилишларда иштирок этардим. Депутатлар фикрларини айтишга тортинарди. Бугун эса масъул ташкилот раҳбарларига бемалол саволлар бера олади, натижалар талаб қила олади.

Депутатлар ҳудудлардаги камчиликлар бартараф этилиши, одамларнинг ташвишлари енгил бўлиши учун курашади. Одамларга нафим тегса қувонаман. Биласизми, нима кўпроқ ёдимда қолади? Мурожаати ижобий ҳал этилган одамнинг қувончини ҳеч нарсага қиёслаб ҳам, алмашиб ҳам бўлмайди. Ҳудудимизда бир одамнинг уйи ёниб кетди. Кенгашда эҳтиёжманд оилаларга бериладиган маблағлар муҳокамасида уларнинг муаммосини баён этдим ва қўшимча маблағ ажратилишига эришдик. Муҳокамалар ҳам ҳаққоний бўлади, моддий таъминот бериладиганлар ҳақиқатан ноқорони, муҳтожми, деб сўралади.

Таклифларим: маҳалла раислиги сайловидан кейин бир қанча депутатлар ишсиз бўлиб қолди. Уларнинг иш билан таъминлашини истардим. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши раислари яхши ишлаган депутатларни рағбатлантириши керак, деб ўйлайман. Рейтинг юритилиб, унинг кўрсаткичларига қараб, яхши ишлаётган депутатларга эътибор қаратиш лозим. Чунки қайсидир депутат жон-дили билан ишлайди, кимдир эса номига фаолият юритади. Катта муқофот бериш шарт эмас, ҳар қандай рағбат одамга куч беради.

MUNOSABAT

ЎЗБЕК-ТУРКМАН
МУНОСАБАТЛАРИДАГИ
ЯНГИ САҲИФА



**Ойбарчин
АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
Ўзбекистон
ХДП фракцияси
аъзоси:**

— Туркменистон билан икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар асрлар давомида шаклланган анъанавий дўстлик ришталарига, яхши қўшничилик алоқалари ва ўзаро ишончга асосланган.

Жорий йил март ойида олий давлат лавозимиغا сайланган Туркменистоннинг амалдаги Президенти Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш йўлини давом эттирди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги уч ой давомида икки давлат раҳбарларининг тўрт марта учрашгани Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги алоҳида муносабатларнинг яққол ифодаси бўлиб, бу бутун минтақа учун намунадир. 14-15 июль кунлари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди ва бу замонавий ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифани очди.

Қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги маданий гуманитар алоқалар ҳам кенгайиб бормоқда. Тошкент шаҳрида атоқли туркман шоири, файласуф ва мумтоз шоир Махтумқули Фироғий номидаги кўча ва унинг барелефининг очилиши, «Ашхобод» боғининг ишга туширилиши халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги, бирлиги ва маданий яқинлигининг ёрқин рамзи бўлганди. Хоразм вилоятида «Ўзбек-Туркман дўстлик уйи» ва «Улли ҳовли» мажмуаси» дирекцияси ташкил этилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи чоғида Ашхобода “Тошкент” боғининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Боғ Туркменистон пойтахтининг Махтумқули шоҳқўчасида, гавжум масканда жойлашган. Уч гектар майдонда ландшафтли гулзорлар ташкил этилган, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари нусхалари барпо этилган. Маълумки, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда “Ашхобод” боғи очилган эди. Бу икки боғ Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси бўлди.

Илмий ва академик алмашувлар, инновациялар соҳасидаги дастурлар ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон маданияти ва киноси кунлари мунтазамлик касб этмоқда, туризм соҳасида қўшма лойиҳалар илгари сурилмоқда. Ўзбекистондаги туркман диаспораси 202 минг кишини ташкил қилади. Мамлакатимизда уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини авайлаб асраш, ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, туркман тилида таълим берадиган 44 мактаб, Қорақалпоқ давлат университетида туркман филологияси бўйича мутахассислар, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» канали ва Қорақалпоғистондаги «Дияр» радиоканалида туркман тилида кўрсатув ҳамда эшитиришлар эфирга узатилмоқда. Қорақалпоғистондаги Туркман маданият маркази муассислигида туркман тилидаги «Мекан» газетаси чоп этилмоқда.

Ўзаро маданий алмашувлар халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ўзаро англашувни оширишга хизмат қилаётир. Шу боис мамлакатларимиз ўз она тили, маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда давом этади, икки мамлакат адабиётининг мумтоз ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишни қўллаб-қувватлайди. Ўзбек ва туркман бир дарёнинг икки қирғоғида аҳил, иноқ яшаётган халқлар ҳисобланади. Тарихан, бу икки эл доим дўстона алоқада бўлган, урф-одати, анъана ва удуми ҳам ўхшаш. Ўзбекистонда қадимдан яшаб келаётган туркманлар азалий маданияти, анъаналарини сақлаган ҳолда, Ўзбекистоннинг кўп миллатли ягона оиласига уйғуналашиб кетган.

Маълумки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, тарихи ва анъаналарини сақлашда миллий маданий марказлар муҳим ўрин тутди. Бундай муассасалар фаолиятини ривожлантириш орқали, турли миллат вакилларининг ўзлиги, анъана ва урф-одатини сақлаб қолиш, уларнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлаш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга эришилмоқда. Ўзбекистондаги илк туркман миллий маданият маркази 1993 йил январь ойида Бухоро вилоятида очилган эди. Кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам шундай марказлар ташкил этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида “Хоразм – Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг қурилишига старт берилиши ҳам катта аҳамиятга эга. бўлди. Чегараолди савдо зонаси икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудида, “Шовот - Тошовуз” ўтказиш пункти ёнида қурилмоқда. Унинг умумий майдони 20 гектарни ташкил этади. Ушбу масканны барпо этиш ишларини давом эттириш ва унинг фаолиятини тартибга солиш бўйича баённома ҳам имзоланди. Худудда савдо расталари, омборхоналар, контейнерлар учун майдончалар ва тадбиркорлар учун иш жойларидан иборат замонавий инфра-тузилма яратиш режалаштирилган. Ушбу савдо ҳудуди ўзаро савдонинг ошишига, бизнес алоқаларнинг фаоллашишига хизмат қилади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари мавжуд алоқаларимизни янги поғоналарга олиб чиқмоқда. Зеро, мазкур учрашувларда икки миллат равақига хизмат қиладиган кўплаб муҳим ҳужжатлар имзоланмоқда. Бу давлатларимиз муносабати, айниқса, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада чуқурлашишига замин яратяпти.

Муҳтасар айтганда, Президентимизнинг Туркменистонга амалга оширган ташрифи ва имзоланган аҳдномалар икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, ўзаро товар айир-бошлаш ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги жабҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашувлар дастури қўламлиларни кенгайтириш учун катта имкониятлар эшигини очди.



**Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
Фан, таълим, маданият ва
спорт қўмитаси аъзоси,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20-21 октябрь кунлари Президент Сердар Бердимухамедовнинг таклифига кўра, Туркменистонга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ташриф ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги кўп асрлик бузилмас маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Президенти 2017 йилда хорижга илк сафари учун Туркменистонни танлаганидан сўнг икки давлат кенг қўламли ўзаро муносабатлар бўйича яқин ҳамкорликни ривожлантирди. Ўшандан буён давлатлар ўртасида стратегик шериклик ўрнатилиб, иқтисодий ва савдо алоқалари чуқурлаштирилди.

Икки мамлакат раҳбарлари қалин ва мустаҳкам дўстлик кўприкларини бунёд этишган. Шу йилнинг ўзида Туркменистон Президенти юртимизга икки бора ташриф буюрди. Биринчиси 14-15 июль кунлари расмий ташриф, иккинчиси, ШХТ давлат раҳбарларининг саммити доирасидаги сафар бўлди. Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки мамлакат саноат соҳасида, жумладан, кимё, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди.

Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан яқин дўст, аҳил қўшни, стратегик ҳамкор сифатида муштарак мақсадлар билан бир дарёдан сув ичиб яшаб келган. Ушбу халқларнинг тарихий илдизлари ва дини бирлиги, тили, маданияти, анъаналарининг муштараклиги Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро сиёсий ирода туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларига мутлақо янги руҳ бағишланди ва икки томонлама ҳамкорлик стратегик тус олди. Икки мамлакат Президентларининг Ашхободдаги музокаралари якунида ҳам икки томонлама форматда, ҳам халқаро

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ
БОСҚИЧИ



**Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ёрдамни аямаслик мазмунидagi 1996 йил 16 январь, 2004 йил 19 ноябрь ва 2007 йил 18 октябрдаги келишув ҳужжатлари – шартномалар шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов таклифига асосан ушбу дўст мамлакатда бўлиб, халқларимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган муҳим тадбирларда иштирок этаётгани ҳаммаимизнинг диққат-эътиборимизда бўлиб турибди. Бугун Туркменистон Ўзбекистоннинг яқин стратегик ҳамкорлирдан биридир. Ўзаро дўстлик алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.

Икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокарада давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда изчил кенгайиб бораётганини, минг йиллар давомида ўзбек ва туркман халқлари ёнма-ён яшаб, бир-бирига таянч бўлиб келганини катта мамнуният билан қайд этгани ҳам муносабатларнинг нечоғли аҳамиятла эканлигини кўрсатиб турибди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзолади. Ушбу стратегик ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ
ҚИЛГАН ТАШРИФ

майдонда янада яқиндан ҳамкорлик қилишга қаратилган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланди. Бу эса Туркменистон билан шерикликни янада мустаҳкамлаш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас устувор йўналиши бўлиб қолишини аниглади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш Ўзбекистон – Туркменистон шериклигининг асосини ташкил этади. Бунинг исботи ўларок, замонавий инфратузилмага эга Чегараолди савдо зонаси қурилиши бошланади. Бу товар айирбошлашнинг ошиши, бизнес алоқаларининг кенгайиши, мамлакатларимиз ҳудудларида янги иш ўринлари ярати-лишига хизмат қилади. Бундан ташқари, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш орқали кооперация алоқаларини фаол ривожлантириш мумкин.

Мулоқотларда сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий тусдаги favқулodда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Шу боис Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун конструктив мулоқотни давом эттириш муҳим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш мақсадида келгуси йилда икки томонлама Маданият ва кино кунлари, фестиваллар ва бошқа тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Давлатларимизнинг халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан позициялари муштарак. БМТ, ЕХХТ, МДХ, ШХТ, ТДТ, ОҚХФ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол ҳамкорлик давом эттирилади. Эътиборлиси, томонлар Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги минтақавий ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга келишиб олишди. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари Афғонистонда вазиятни тез фурсатда барқарорлаштириш ва муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кенгайтиришга аҳдлашиб олдилар. Давлатларимиз томонидан Афғонистондаги аҳволни меъёрига келтириш учун ҳам сиёсий -дипломатик саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти, иқтисодий чоралар кўриляпти. Жумладан, умумминтақавий аҳамиятга молик транспорт лойиҳалари амалга ошириляпти ва ушбу давлат аҳолиси электр энергияси билан таъминляняпти. “Ҳайратон – Мозори – Шариф”

темир йўли, “Акина — Андхой” темир йўл шохобчаси, шунингдек, “Сурхон — Пули — Хумри”, “Керки — Имомназар — Андхой”, “Серхетобод — Ҳирот”, “Работкашан — Қалайнов” ва “Керки — Шибирғон” электр узатиш трассалари лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириляётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг яққол амалий натижасидир. Мазкур ўта муҳим лойиҳалар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, сермахсул музокараларнинг натижалари Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик ҳар томонлама мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қолаверса, олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашувининг фаоллашуви Ўзбекистон ва Туркменистоннинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланишига хизмат қилади. Жумладан, денгизга чиқиш йўли бўлмаган Ўзбекистонни Туркменистон жаҳон бозорига энг қисқа йўл билан олиб чиқиш имкониятига эга давлатдир. Ўзбекистон ҳам ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, Туркменистоннинг газни қайта ишлаш ва агросаноат каби соҳаларида амалга ошириляётган лойиҳаларда бевосита ва фаол иштирок этиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташриф доирасидаги музокараларнинг асосий мавзуси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўлди. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар, яъни қарийб 1 миллиард долларгача ўсди, шунингдек, келгуси беш йил ичида уни яна икки баробарга ошириш режалари тасдиқланди. Бу нафакат икки давлатнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштиради, балки халқаро бизнес учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш кооперацияси лойиҳаларини амалга татбиқ этиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, чегара савдо зонасини ташкил этишни назарда тутувчи Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури барча соҳалар ривожидида самарали хизмат қилишга шубҳа йўқ. Бу шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзолангани Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятдан далолат беради.

алоқаларни янада кенг қўламда ривожлантириш имконини беради.

Ташриф давомида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида сиёсий мулоқот, парламентлараро, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алмашувини фаоллаштириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган Амалий ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Қардош икки давлат ҳукуматлари ўртасида доимий мулоқотнинг давом этиши ҳамкорликнинг турли масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамкорлик алоқалари жуда сеқиррадир. Мисол учун, Туркменистон Ўзбекистоннинг минтақадаги асосий савдо шерикларидан ҳисобланади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари ва турли хизматларни экспорт қилади. Туркменистондан нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, полимерлар ва бошқа кимёвий товарлар импорт қилинади. Ўзаро товар айланмаси 2021 йилда 902,9 млн. долларни ташкил этиб, 67,6 фоизлик ўсиш қайд этилган.

Шунингдек, транспорт-логистика алоқаларини глобал миқёсда қайта кўриб чиқиш шароитида Ўзбекистон ва Туркменистон соҳада ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан манфаатдор.

2021 йил якунига кўра, автомобиль транспортида халқаро юк ташиш ҳажми 17 фоизга ўсган. 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1,33 млн. тонна, жумладан, экспорт юклари 443,98 минг тонна, импорт юклари 497,86 минг тонна, транзит юклари эса 385,29 минг тоннани ташкил этган.

Туркменистон минтақада асосий транзит давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон товарларининг катта миқдорини Эрон чегарасигача ва ундан кейин Форс кўрфази портларигача олиб ўтши ушбу давлат ҳудуди орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, томонлар “Ўзбекистон – Туркменистон – Каспий денгизи – Жанубий Кавказ” транспорт маршрути салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорликда ишламолдалар.

Икки мамлакат коммуникация тизимларини интеграция қилиш юкларни нафакат Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга ва аксинча ташиш имконини беради, шу билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқ бозорларига қисқа йўл орқали чиқишини таъминлайди.

Шу маънода, минтақанинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланиш мақсадига қаратилган, бутун Марказий Осиё учун ягона ва жуда зарур бўлган мулоқот майдонини ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ёндашувларидаги яқдилликни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

МАҚСАДИМИЗ АҲОЛИ ҲАЁТИДАН МАМНУН БЎЛИБ ЯШАШИГА ШАРОИТ ЯРАТИШДИР



ҲАВО ҲАРОРАТИ ПАСАЙИБ, КУНЛАР СОВИЙ БОШЛАДИ, ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИГА ЭҲТИЁЖ ОРТДИ. УЙ, ИШХОНА ИССИҚЛИГИ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА АҲОЛИНИНГ КАЙФИЯТИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН АСОСИЙ МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ. ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ЯХШИ БЎЛМАСЛИГИ БОШҚА МУАММОЛАРНИ ҲАМ КЎПАЙТИРИБ ЮБОРИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН БУ МАСАЛА ҲАР ДОИМ КУН ТАРТИБИДАН ТУШМАЙДИ. ДАВЛАТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА АСОСИЙ МАСЪУЛ ЭСА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИДИР. МУХБИРИМИЗ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ҲИДОЯТОВГА БИР НЕЧТА САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

– Кўп квартиралари уйларда иссиқлик таъминоти бўйича йиллар давомида муаммолар йиғилиб қолган эди. Кейинги йилларда қандай ишлар ва янги лойиҳалар амалга оширилди?

– Бугунги кунда республикада жами 39691 та кўп квартиралари уй-жой мавжуд бўлиб, шундан 20837 таси марказлашган ва индивидуал (икки контурли) иссиқлик тизими таъминоти ҳамда қолган 18854 таси альтернатив усулда, яъни қўлбола печлар, голланд печлари, иссиқ сув колонкалари, электр иситгичлар ёки бошқа турдаги лойиҳасиз иситиш тизимидан фойдаланиб келмоқда.

Жумладан, иссиқлик таъминотини ривожлантириш борасида кейинги 4 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди. 2018-2021 йилларда 47 та қозонхона ва 78 километр иссиқлик тармоқларида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада 54 мингта хонадондан иборат 1 минг 100 та кўп квартиралари уйлар ҳамда 143 та ижтимоий соҳа объеклари иссиқлик энергияси билан таъминланди. Иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражаси 4 фоизга ошиб, 52 фоизга етказилди.

Жорий йилда эса жами 1 триллион сўм маблағ эвазига 12 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бунда 24 та қозонхона ва 182 км. узунликдаги иссиқлик тармоқларини яхшилаш орқали 70 минг хонадондан иборат 1500 та кўп квартиралари уй ва 113 та ижтимоий соҳа объекти узлуксиз ва сифатли иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Мазкур лойиҳалар Асака, Бухоро, Қарши, Жиззах, Самарқанд, Наманган шаҳарлари ҳамда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида амалга оширилиши кўзда тутилган. Лойиҳаларни амалга ошириш учун Инвестиция дастурлари доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Жаҳон банкнинг 300 миллиард сўм маблағи ажратилган. Натижада йилига 130 миллион м³ табиий газ, 1,2 миллион кВт электр энергияси, яъни 86 миллиард сўм маблағлар иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Андижон, Чирчик, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган иссиқлик таъминотининг очиқ тармоқли тизимидан ёпиқ тармоқли тизимига ўтиш, замонавий технологияни татбиқ этиш орқали 1 минг 855 та кўп квартиралари уйлардаги 85 минг 777 та хонадон ҳамда 193 та ижтимоий объект иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан қамраб олинади.

Худудлардаги 29 та «Янги Ўзбекистон» массивларида 2022-2026 йилларда 68 мингдан ортиқ хонадондан иборат 1 минг 979 та кўп қаватли уй ва 155 та ижтимоий соҳа объекти қурилиши режалаштирилган. Мазкур биноларни

иссиқлик таъминоти билан таъминлаш мақсадида 28 та қозонхона ва 219 км. иссиқлик тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Жорий йилда 1 минг 886 та уйнинг том қисми, 2 минг 815 та уйнинг кириш йўлаклари, 1 минг 228 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникациялари, 1 минг 518 та кодли қулфли темир эшиклар, 967 та уйнинг фасад қисми таъмирланди.

Бундан ташқари, режага кўра, массивдаги кўп квартиралари уйлар иссиқ сув билан қуёш коллекторлари орқали таъминланади ва ёз ойларида қозонхона ишлатилмайди. Барча кўп квартиралари уйларнинг ички иситиш тизимини горизонтал тизимда лойиҳалаштириш орқали ҳар бир хонадонда ҳисоблагич ўрнатиш имконияти яратилади.

– Ечимини қутаётган масалалар кўриниб турибди. Иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантириш борасида вазирлик томонидан устуворликлар, аниқ йўналишлар белгилаб олинганми?

– Вазирлик томонидан 5 йилда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ йўналишлар белгилаб олинган. Жумладан, 2022-2026 йилларда дастлабки қиймати 2,5 триллион сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш режа қилинган.

Мазкур лойиҳалар орқали 60 та янги қозонхона ва 290 км. иссиқлик тармоқлари қурилиши, 52 та қозонхона ва 530 км. иссиқлик тармоқлари модернизация қилиниши керак. Агар бу ишлар

муваффақиятли амалга ошса, 215 мингдан ортиқ хонадондан иборат 5 мингта кўп квартиралари уй ва 800 та ижтимоий соҳа объекти узлуксиз ва сифатли иссиқлик энергияси билан таъминланади. Иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражаси қўшимча 16 фоизга ошгани ҳолда, 73 фоизга етказилади.

Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги қарори билан иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 2023 йилда 320 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда 2023 йилда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, 15 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунда 14 та қозонхона ва 119 км. иссиқлик тармоқларида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Шу билан бирга, 5 та қозонхона ва 23 км. иссиқлик тармоқлари қурилади, 9 та қозонхона ва 96 км. иссиқлик тармоқларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳаларнинг жами қиймати 395 миллиард сўмни ташкил этади. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 25 мингта яқин хонадондан иборат 525 та кўп квартиралари уй ва 62 та ижтимоий соҳа объекти сифатли ва узлуксиз иссиқлик энер-



гияси билан таъминланади. Натижада 42 млн. м³ табиий газ ёки 60 миллиард сўмлик маблағ иқтисод қилинади.

Иссиқлик таъминоти соҳасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер жараёнларида кўмаклашиш бўйича консультатив хизматлар кўрсатиш мақсадида Осиё тараққиёт банки ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўртасида қиймати 450 минг АҚШ долларини ташкил этувчи шартнома меморандуми ҳам имзоланган. Колаверса, Кореянинг “SK ecorplant” компанияси билан Жиззах, Бухоро, Қўқон ва Нукус шаҳарларини когенерация технологияларини жорий этиш шарт билан бошқарувга бериш бўйича амалий ишлар бошланган бўлиб, бугунги кунда ўрганиш ишлари якунланиш арафасида.

Бундан ташқари, асосий йўналишлардан бири бу иссиқлик таъминоти тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш орқали эришиладиган натижалардир. Бунда Бухоро, Ангрен ва Зарафшон шаҳарлари мисолида айтадиган бўлсак, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми, тизимдаги йўқотишлар, энергоресурслар ва зарарларнинг сезиларли даражада камайиши, ўз навбатида корхонанинг даромади ошишини кузатиш мумкин.

Мисол учун, Ангрен шаҳрида йўқотишлар 35 фоиздан 3 фоизга, харажатлар эса 35 фоизга камайиши орқали корхона зарардан босқичма-босқич фойдага ўтишини кўриш мумкин.

– Бугунги кунда барча соҳаларни рақамлаштириш долзарб масалага айланди. Иссиқлик таъминоти тизимида ҳам бу борада амалий ишлар қилиняптими?

– Тизимни рақамлаштириш энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан қозонхоналарда замонавий табиий газ ҳисоблагичлари ўрнатилмоқда. Бу эса иш параметрларини онлайн кузатиш ва иссиқлик энергияси истеъмолини назорат қилиш имкониятини яратмоқда. Натижада иссиқлик таъминоти тизимини автоматлаштирилган реал вақт режимида бошқаришни жорий этишга, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ҳисобини юритиш ҳамда авария ҳолатларини масофадан аниқлаш ва бартараф этган ҳолда хизмат сифатини оширишга хизмат қилапти.

– Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида янги кўп қаватли уй жойлар қурилаётгани боис коммунал юкнамалар ортиб бормоқда. Ушбу янги қурилаётган уй-жойлар эски коммуникация тизимларига уланиши натижасида турли муаммолар келиб чиқмоқда. Вазирлик бу каби муаммоларни бартараф этиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Очиғини айтганда, янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар масаласида аҳоли томонидан кўплаб эътирозли муурожаатлар бўлди. Чунки, тадбиркор қурувчилар уй-жойларни қураётганда коммуникация тизими нима бўлишини ўйламасдан қуришгани боис аҳолининг ҳақли эътирозлари ортиб кетишига сабаб бўлди.

Шу боисдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан вазирликнинг назорат инспекциясига янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Натижада бугунги кунга келиб, тадбиркор қурувчилар томонидан 700 га янги қурилган кўп қаватли уй-жойнинг 50 фоизини инспекция қабул қилмасдан, инфратузилмаси ва коммуникация тизимларида йўл қўйилган камчиликлар борлиги учун қайтарган. Ҳозирда ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида тадбиркор қурувчилар ҳамда вазирликнинг мутахассислари биргаликда ишлашмоқда.

Мақсадимиз аҳоли ҳаётидан мамнун бўлиб яшашига хизмат қилишдир.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Тоштемир Худойқулов суҳбатлашди.

“ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ”

КОНСТИТУЦИАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР АРАФАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН МУҲИМ ТЎПЛАМ



Академик А.Х.Саидов масъул муҳаррирлигида яқинда нашрдан чиққан “Жаҳон Конституциялари” тўплами ўзбек ўқувчиларига Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Иордания, Италия, Польша, Саудия Арабистони, Славакция, Франция, Чехия, Япония каби давлатларнинг давлат рамзлари, бошқарув шакли, сиёсий режими, маъмурий-ҳудудий тузилиши, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари,

давлат бошлиғи, давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ҳокимияти органлари тизими, уларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, уларнинг ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари, сайлов, молия, бюджет тизими, мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўз она тилида ўрганиш ва аниқ тасаввурга эга бўлиши учун улкан имконият яратади.

Тўпламнинг кириш қисмида фойдаланувчилар учун Конституцияларнинг ривожланиш тарихи ва жаҳон давлатларининг замонавий Конституциялари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Янги Ўзбекистон: Конституциявий ислохот йўлида номли бўлимида Ўзбекистон Республикасида Конституцияни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишлари ёритилган.

Тўпланда Конституция: тузилиши ва ривожланиши, Конституция: юридик таъриф ва функциялари, Конституциянинг устуңлиги ва барқарорлиги, конституциявий назорат, Конституция бевосита амал қилувчи ҳуқуқ, Конституциянинг ҳажми ва

тузилиши, Конституция ва сиёсий партиялар, Конституция ва кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари, Конституция ва ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, Конституция ва депутатлар деб номланган бўлимларида муҳим аҳамиятга эга бўлган қисқа ва аниқ маълумотлар берилган. Хусусан, Конституциянинг самарадорлиги, деб номланган бўлимида Конституциянинг самарадорлигини таъминлаш борасида асослангиларган тақлифлар ва тавсиялар берилган.

Шунингдек, тўпланда давлатларнинг сиёсий тизими, маъмурий-ҳудудий тузилиши, ҳудуди, пойтахти, аҳлисининг сони, расмий тили ва дини ҳақида қисқача маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотлар тўпламга киритилган давлатлар тўғрисида янада аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Тўпланда давлатлар ва уларнинг Конституцияларининг ривожланиш тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар нафақат илмий изланувчилар учун, шу билан бир қаторда амалиётчилар учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Тўпландан фойдаланувчилар унда берилган манбаларни таққослаш орқали қимматли маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Ўқувчиларга нафақат мазкур давлатларнинг амал-

даги Конституцияси, шу билан бир вақтда уларнинг Конституциялари тарихи ҳақида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг амалдаги Конституцияси билан бирга мазкур Конституция тарихи ҳақида ҳам қисқа, аммо муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тўпланда Америка Қўшма Штатларининг давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқ тизими, суд тизими, штатларининг суд тизимлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар қайд этилган. Ушбу маълумотлар нафақат олимлар, илмий жамоатчилик, изланувчилар ва амалиётчилар, шу билан бир қаторда кенг китобхонлар оммаси учун ҳам қизиқарли ва аҳамиятлидир. Яъни муаллифлар томонидан изланувчилар учун бир вақтнинг ўзида ўрганилаётган давлат, унинг тузилиши, бошқарув шакли, хўжалик юртувчи субъектлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган.

Шунингдек, тўплам туризм фаолияти билан шугулланаётган субъектлар, мигрантлар, сайёҳлар, зиёратчилар, тадбиркорлар учун ҳам ўзлари бораётган давлат органлари тизими, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларидан, қонunchилигидан хабардор бўлишларида муҳим ҳисобланади.

Тўпламнинг якунида жаҳондаги деярли барча давлатларнинг дастлабки Конституцияси қабул қилинган санаси ва ҳозирда амалда бўлган Конституциялари санаси жадвал асосида берилгани соҳада илмий-тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар учун муҳим аҳамиятга эга манбадир.

Жаҳон Конституцияларини ўрганиш орқали Ўзбекистон Конституцияси ҳеч бир Конституциядан кам эмаслиги, унда жаҳон Конституцияларини ривожланиш тажрибалари эътиборга олиниши билан миллий хусусиятларимиз, маънавиятимиз ҳам ўз таъсирига эга бўлганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Тўпландан давлат ва жамоат арбоблари, депутатлар, давлат хизматчилари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи, хорижий мамлакатлар Конституциявий ҳуқуқи бўйича дарслик ва қўлланмалар, ўқув машғулотлари учун кўргазмали қиёсий материаллар тайёрлашда, Конституциявий ҳуқуқ бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланишлари мумкин.

Жаҳон Конституциялари тўплами муаллифларидан келажақда жаҳондаги бошқа давлатларнинг Конституцияларини ҳам батафсил ўрганиб, тўплам ҳолида ўзбек тилида чоп этиш ишларида куч-қувват ва муваффақият ҳамроҳ бўлсин.

О.ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
профессори.

“TCT Cluster” МЧЖ:

Пресс-тур иштирокчиларининг дастлабки манзили "TCT Rice" да кластер усулида шолити етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини билан таништиришдан бошланди. Дарҳақиқат, журналистлар шу пайтгача, асосан, қўл кучичи ва қўлбола ускуналардан фойдаланиб келинган шолитчилик тармоғи сонаолаштирилганига ғувоҳ бўлди. Эътиборли жиҳати, кластернинг томонидан умумий қиймати 25 миллиард сўмликан зиёд лойиҳа амалга оширилиши, шолити қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси бўлиб қолди. Туманнинг "Сурум" МФЙ худудидаги қайта ишлаш ва сақлаш заводи-нинг умумий майдони 6 гектарга тенг. У Зиядаги ҳирмон майдони, умумий сизими 15 минг

“TCT Fish” кластерига қарашли сув ҳавзаларининг умумий майдони 2385 гектар бўлиб, шундан 1750 гектарда балиқ парваришладан. Шунингдек, балиқ чавоқлари олиш ва ўстириш учун она балиқлар парваришlash,

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Шунингдек, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот берилиши лозим.



Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топширилган шартисини қурилган уйлардаги кредитраларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) биланчи қўй-қўй бозорига сотиб олишнинг учун ипотека кредитларини ажратиб, ҳамда улар бўйича ва ипотека кредити бўйича фозиларнинг бир қисмини қоплашнинг учун субсидия тўлашга рухсат берилди.



БҲМнинг 1 бараваридан 2 баравари-
гача (300 минг сўмдан 600 минг сўмгача)
миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ОҲАНГАРОН ОҲАНРАБОЛАРИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг ташаббуси билан Оҳангарон туманида инвестиция ва ташқи савдо йўналишида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида қилинган ишлар юзасидан пойтахтлик журналист ва блогерлар учун медиа-тур ташкил этилди.

– Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “2021-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича туманда амалга оширилиши режалаштирилган умумий қиймати 10,8 триллион сўм бўлган жами 342 та лойиҳа шакллантирилган, – дейди туман ҳокимининг инвестиция ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Ғолиб Эшмирзаев. – Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 13 минг 192 та янги иш ўрни яратилиши режа қилинган. Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, жорий йилда умумий қиймати жами 8,2 триллион сўмлик 78 та лойиҳа, яъни sanoat йўналишида 6,9 триллион сўм бўлган 32 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида 119 миллиард сўм бўлган 11 та ҳамда хизмат кўрсатишда 1 триллион сўм бўлган 35 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Ўтган 9 ой давомида 420,7 миллиард сўмлик 11 та лойиҳа ишга туширилди. Фаолияти йўлга қўйилган корхоналарда 1 минг 322 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Бугунги кунда туманда ишсизлар сони 3 минг 785 нафарни ташкил этаёпти. Уларни иш билан банд қилиш масаласида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Медиа-турда дастлабки манзил “Убайд” МФЙ ҳудудидаги гипс ва гипс маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Aslanvari” хорижий корхонаси бўлди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 10 миллион долларга тенг бўлиб, йилига 100 минг тонна 4 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Унинг 40 фоизи қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига экспортга йўналтирилади. Ҳозирда корхонада 80 та янги иш ўрни яратилган. Шунингдек, корхонада тайёрланаётган қурилиш маҳсулотлари мунтазам равишда сифат назоратидан ўтказилиб борилиши учун лаборатория ҳам ташкил этилган.

– 20 йилдан буён шу соҳада фаолият юритаман, – дейди корхонанинг туркиялик мутахассиси Али Гулсевен. – Бундан аввал Судан, Озарбайжон, Россияда шу лойиҳани амалга оширдик. Айнан Тошкент вилоятида мазкур корхонани бунёд этишимиздан



мақсад Тошкент шаҳри ва вилоятида қурилиш маҳсулотларига талаб юқоридир. Бундан ташқари, қўшни республикаларга ҳам экспорт қилиш борасида шартномалар тўзмоқдамиз. Эътиборли жиҳати шундаки, маҳсулотларимиз Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидан олиб келинаётган маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Иш жараёнида шу ерлик ёшларга ишлаб чиқариш жараёнларини ўргатяпмиз.

Журналистлар “Ёнарик” маҳалласидаги “Xinyuan Building Materials Company” МЧЖ томонидан замонавий қурилиш материаллари тайёрлаш жараёнлари билан ҳам танишди. Корхона йилига 1500 кубметр газоблок ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун хориждан 2 миллион доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Ҳозир бу ерда 50 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, асосан туман ёшлари ишлашмоқда.

Медиа-тур иштирокчиларининг навбатдаги манзили жорий йил июль ойида Покистон давлатининг “Tahir Asad Industries” корхонаси билан ҳамкорликда ишга туширилган “Pak-Merit bleaching clay” қўшма корхонаси бўлди. Бу ерда Марказий Осиёда ягона активлаштирилган оқартирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонанинг лойиҳа қиймати 7 миллион АҚШ доллари бўлиб, йилига 10 минг тонна озиқ-овқат, ўсимлик ва sanoat ёғ-мойларини оқартириш, тозалаш ва филтрлаш учун ишлатиладиган фаоллаштирилган оқартирувчи гил маҳсулотини ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлатилаётган хом ашёлар туман ҳуду-

дининг ўзидан олинапти. Бугунги кунда 98 нафар янги иш ўрни яратилган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 30 фоизи ички бозорга ва қолган 70 фоизи экспортга йўналтирилмоқда. Ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

– “Pak-Merit bleaching clay” қўшма корхонасига ишга киришдан олдин маҳалламиздаги умумтаълим мактабида қоровул бўлиб ишлардим, – дейди корхонада юк ташувчи бўлиб ишлаётган Абдуллатиф Абдуллаев.

– Мактабда ойига 900 минг сўм олардим, рўзғоримга етмасди. Ишонасизми, бир ойда бир марта гўшт сотиб олардик, холос. Мана шу корхона туманимизда иш бошлагандан буён 100 нафарга яқин одамни иш билан таъминлади. Бу ерда ишлаётганларнинг барчасининг рўзғори яхши бўлди. Ўзимдан қиёс қилиб айтадиган бўлсам, бугунги кунда 3 миллион 200 минг сўм ойлик маош оламан. Кундалик ҳаражатлардан орттириб, уйимга замонавий маиший техникалар олдим.

Бир йил олдин қизимни чиқардим. Энди ўғлим олий маълумотли бўлиши учун тайёрлов курсларига бердик. Худо хоҳласа, ўғлим университетда ўқийди. Шундай корхона туманимизда иш бошлаганидан хурсандмиз, яхши даромад топаёпмиз, кўнглимиз хотиржам. Бировдан кам еримиз йўқ. Нима демоқчиман, Президентимизнинг “Халқимиз бугун яхши яшаши керак”, деган нияти рўёбга чиқаяпти. Ҳаётим мисол бунга...

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

РЕКЛАМАДАГИ АЙРИМ ЧЕКЛОВЛАР

АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ МАЗМУН-МОҲИАТИНИ ТУШУНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТҚАЗИЛДИ.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГДА ИШТИРОК ЭТГАН МАСЪУЛЛАР ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 7 ИЮНИДА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИ ҲАМДА МАЗКУР ҚОНУН 8 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ КУЧГА КИРГАНИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРДИ.

– Ушбу янги таҳрирдаги қонунда телеканалларда тарқатилётган рекламалар борасида қатор чекловлар мавжуд, – дейди Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг бошқарма бошлиғи Шерзод Муҳаммадалиев. – Яъни, телеканаллар эфирда, теле-, видео, кинохроникаси дастурларида тарқатилётган рекламанинг умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг бир соати давомида 20 фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг 15 фоизидан ошиши мумкин эмас. Шунингдек, эндиликда давомийлиги 10 дақиқадан кам бўлган телекўрсатувларни реклама билан узиб қўйишга ва реклама билан бирга намойиш этишга ҳам йўл қўйилмайди. Шунингдек, қонунда қонунчиликни бузганлик учун молиявий санк-

циялар белгиланган. Масалан, ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ёки реклама қилиниши қонунчиликда тақиқланган ёки чекланган маҳсулот тўғрисида реклама тарқатганлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, эндиликда номақбул реклама берганлик, аксилрекламани беришни рад этганлик учун эса БҲМнинг 70 баравари миқдорида жарима солинади. Энергетик ичимликлар, алкогольли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламалари, пиротехника воситалари, кўрол ва унинг ўқдорилари, ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлар рекламасига доир талаблар бузилса, шунингдек,

ташқи реклама ва ахборотни жойлаштириш тартиби бузилса, БҲМнинг 50 баравари миқдорида жарима солинади. Вояга етмаганлар учун мўлжалланган рекламага, яъни дори воситалари, биологик фаол ва озиқ-овқат қўшимчалари, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари рекламасига доир талабларни бузганлик БҲМнинг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда рекламанинг тили масаласи ҳам кенг жамоатчиликнинг муҳокамаларига сабаб бўлаяпти. Бу масалада қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилиши белгилаб қўйилган. Хусусан, рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги, ташқи рекламаларда эса таржима матни давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонталь ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг 40 фоизидан ошмаслиги керак. Шунингдек, рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами давлат тилидаги матн ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак. Қолаверса, реклама тарқатувчилар янги тартибларга амал қилиши шарт. Янгиланган «Реклама тили» моддасига кўра, аввалгидек, рўйхатдан ўтган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари

ҳамда логотиплар асл тилда кўрсатилиши мумкин. Рекламанинг ўзи давлат тилида тарқатилиши шарт.

Қонунга кўра, эндиликда миллий ва оилавий анъаналарга, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умум қабул қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш, энергетик ичимликларнинг рекламасини соат 7:00 дан соат 22:00 гача телевидение ва радио орқали реклама қилиш, тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реклама қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади. Шунингдек, алкоголь маҳсулотлари рекламасига йўл қўйилмайди, ammo Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пиво, табиий ва кўпикланадиган виноларни реклама қилишга айрим ҳолларда йўл қўйилади.

Шунингдек, семинар-тренингда нотўғри реклама оқибатида зарар кўрган, сотиб олинган ёки кўрсатилган хизмат 100 фоиз қайтариб берилиши кераклиги ва бунинг учун Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиш лозимлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

“ЁШЛАРГА КЎМАК”

ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши Нукус туман Кенгаши билан ҳамкорликда тумандаги “Тоқтау” овул фуқаролар йиғинида “Ёшларга кўмак” лойиҳасини ўтказди.

Тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда 2022 йил Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилидаги давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатларининг муносиб иштирокини таъминлаш.

Лойиҳа доирасида ҳудуддаги бир гуруҳ ёшлар билан суҳбат ўтказилди ва уларнинг қизиқишлари аниқланди.

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ!

Навий вилоятидаги спортнинг гимнастика турига ихтисослашган БЎСМда соҳани ривожлантириш бўйича семинар тренинг ўтказилди.

Тадбир ЎЗХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси Б. Ҳамдамова раҳбарлигида ташкил этилди.

Гимнастика спорт турининг маҳорат сабоқларини ташкил этишдан асосий мақсад вилоятдаги спортчиларга бадий гимнастика сирларини очиб бериш, мураббийлар тажрибасини ошириш, гимнастика жиҳозларида ишлаш техникаси тактикасини ҳамда гимнастикага хос махсус жисмоний машқлар кетма-кетлигини ўргатишдан иборат бўлди.

Шунингдек, республика чемпионатлари даврида етакчи мураббийлар ва спортчиларнинг маҳоратидан тажриба олиш мақсадида мастер класслар ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.



Депутат — маҳаллада

Электоратимиз вакилларини қийнаётган масалаларни ўрганиш ва ечим топиш устувор вазифадир. Бу борада Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши, Узун туман партия ташкилоти ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари хайрли ишларни амалга оширмоқда.

– “Янги рўзғор” маҳалласида 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди халқ депутатлари Узун туман Кенгаши депутати Мастура Маъмуржонова. – 780 га яқин хонадон бор. 20 нафарга яқин юрдошимиз “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Депутат – маҳаллада” лойиҳаси доирасида махсус “йўл харитаси” ишлаб чиққанмиз. Муаммолар хонадонбай ўрганилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 20 дан ортиқ иссиқхона ташкил қилинган бўлса, ўнга яқин хотин-қизга тикув машинаси берилди. Касаначилик, тикиш-бичиш, ҳунардмандчилик ва бошқа йўналишлар яхшиланаяпти. Томорқалардан унумли фойдаланиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳаларини ривожлантириш доимий эътиборимизда. Асосий мақсад, бозорлар ободлигини таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва янги иш ўринлари ташкил қилишдир.

– Ота-боболаримиз боғбон бўлишган, – дейди Анвар Тоиров. – Эзгу анъанани авлодлар давом эттираяпти. Қаровсиз ва ташландиқ жойда узум етиштиришни йўлга қўйиш учун Мастура Маъмуржоновага мурожаат қилгандим. Депутатимизнинг сайё-ҳаракати ва амалий ёрдами билан 20 сотих ер тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди. Қишлоқ ёшларидан беш нафарининг бандлиги таъминланган. Амалдаги йилда 150 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

FAXR

+10

Корақалпоғистон Республикаси

Хоразм

+12

Бухоро

Навоий

+12

Тошкент

Самарқанд

Жиззах

Сирдарё

+15

Қашқадарё

Сурхондарё

+13

Андижон

Наманган

Фарғона

+12

Тошкент

шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

АЁЛ ФАҚАТ БОЛА
БОҚИБ, РЎЗ-
ҒОРГА ҚАРАШИ,
КАТТА ИШЛАРГА
АРАЛАШМАГАНИ
МАЪҚУЛ, ДЕГАН
МАСЛАКНИНГ
АЛЛАҚАЧОН
УМРИ ТУГАГАН.
ХОТИН-ҚИЗЛАР
БУГУН ИҚТИСО-
ДИЎТИМИЗНИНГ
БАРЧА СОҶА-
СИДА ФАОЛИЯТ
ЮРИТИШМОҚДА.



БУЮК БРИТАНИЯДА
НАШР ЭТИЛАДИГАН
ЖУРНАЛНИНГ
МАХСУС СОНИ
ЎЗБЕКИСТОНДА
АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРГА
БАФИШЛАНДИ

Мамлакатимиз элчихонаси кўмагида нашрга тайёрланган журналнинг ушбу сониди Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий тараққиётига бағишланган туркум мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Хусусан, «Навқирон Ўзбекистон 31 ёшда: барқарор тараққиёт фаровонлик йўлида» сарлавҳали мақолада сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида республикада мажбурий меҳнатга қарши курашиш, валюта бозорини либераллаштириш, таълим, савдо равнақи, мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган долзарб ислохотлар ва уларнинг салмоқли натижалари қаламга олинган.

Махсус сонда, шунингдек, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан олиб борилган прагматик таъши сийсати натижасида эришилган муваффақиятлар, уларнинг савдо-иқтисодий алоқалар жадаллашувига бўлган ижобий таъсири алоҳида қайд этилган.

Тошкент Давлат шарқшунослик университети ректори Гулчехра Рихсиева қаламига мансуб «Ўзбекистонда шарқшунослик: тарих ва замонавийлик» номли мақола ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Унда шарқшунослик йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари батафсил ёритилган. Хусусан, Ўзбекистонда ва МДҲ мамлакатларида давлатчилик, диншунослик, халқаро муносабатлар ва умумий тарихий меросни авайлаб асраш борасида амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган. Мақолада Ўзбекистонда шарқшунослик йўналишининг мустақилликдан кейинги даврда ривожланиши тарихи ва унинг «устуңлари» ҳисобланган фан докторлари ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Махсус сонда босилиб чиққан ва инглиз ўқувчиларининг эътиборини тортган мақолалардан яна бири - Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Б.Маҳкамовнинг «ТАТУ: таълимда рақамли технологияларнинг конвергенцияси» сарлавҳали мақола-сидир. Унда муаллиф «Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида айнан ахборот технологиялари соҳасида ИТ кластерлар, ИТ бозорлар яратилди ва бу борада халқаро молия институтлари, «JAICA», «KOICA» ва бошқа халқаро агентликлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди», деб ёзади.

Буюк Британиянинг «OCA Magazine» журналининг Ўзбекистонга бағишланган ушбу сониди ўзбек халқининг атоқли фарзанди, буюк давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов ҳаёт йўлига бағишланган мақола ҳам ўрин олган.

Унда Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда республикада дунёда ягона бўлган радио-телескоп яратилгани, илм-фандаги эришилган муваффақиятлар, янги шаҳар ва туманлар барпо этилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР халқаро мукофотларга эга бўлишди

Чет тилларини ва замонавий касбларни эгаллаган юртимиз аёллари нафақат Ўзбекистонда, балки чет эллардаги инновацион марказлар, олий таълим муассасалари ва саноат корхоналарида ҳам рақобатбардор мутахассис сифатида ишлаб келишмоқда.

Илм-фанни юксалтириш, янгиликлар, кашфиётларни амалиётда қўллаш, янги технологияларни яратишда олий ўқув юрлари ва илмий-текшириш институтларининг ўрни бекиёс.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан Жанубий Кореяда ўтказилган иختирочи аёлларнинг халқаро кўргазмаси "KIWIE – 2022"да иштирок этиш учун янги технологияларни яратиш билан шугўлланаётган мамлакатимизнинг бир гуруҳ олима аёлларининг иختиролари тавсия қилинган эди.

"KIWIE – 2022" халқаро кўргазмаси доирасида ташкил этилган танловда қатнаш-

ган олима аёлларнинг иختиролари халқаро экспертлар томонидан ўрганилиб, юқори баҳоланди. Танловда иштирок этган юртимиз олималари 1 та махсус соврин (Гран-при), 6 та олтин, 6 та кўмуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Шу муносабат билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ушбу халқаро кўргазма ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова ўз табрик сўзи билан иштирок этиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда аёллар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар, олима аёллар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда дастурчи қизларнинг янги авлодини тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича фикр билдирди.

Шунингдек, форумда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда олий таълим муассасалари ва илмий-текшириш институтларида фаолият юритаётган олима ва дастурчи аёллар, талаба қизлар иштирок этишди.

Маълумот ўрнида: халқаро кўргазма иختирочи аёлларнинг фан ва технология соҳасида эришаётган ютуқлари, тажрибалари ва яратган янги технологияларини ўрганиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинади. Ушбу кўргазмада 400 дан зиёд давлатдан 500 нафардан ортиқ иختирочи хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз иختиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашишган.

Жамшид АМИРОВ.

ОСИЁ ВА ОЛИМПИА ЯЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА СПОРТ ТАҚВИМИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Келгуси йили Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида навбатдаги ёзги Осиё ўйинлари, 2024 йилда эса Франция пойтахти Парижда ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилади.

Хўш, маъкур нуфузли спорт мусобақаларига мамлакатимиз спорт жамоалари қай тарзда тайёргарлик кўрмоқда? Ўтаётган йилда ушбу комплекс ўйинларда ҳозирлик кўришда спорт турлари бўйича белгиланган режалар бажарилдими? Миллий Олимпия қўмитасида ушбу масалаларнинг ижроси ҳамда 2023 йилги спорт тақвим режасидан ўрин олган мусобақалар ва уларни молиялаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда спортни ривожлантириш вазири ўринбосари Шаҳрулло Маҳмудов, Мил-

лий Олимпия қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Тошматов, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази директори Камол Сирожиiddinov, федерация ва ассоциациялар масъуллари иштирок этди.

Йиғилишда 2022 йил ўзбек спорти учун тарихий натижага бой бўлгани, келаси йил барча спорт турларида Олимпия ўйинларига саралаш мусобақалари бўлиши, бир йил кечиктириб ўтказилаётган қитъа ўйинларида муносиб натижаларга эришиш лозимлиги таъкидланиб, ҳар бир спорт туридаги кўрсаткичлар таҳлил этилди.

Шунингдек, Осиё ўйинларига жалб қилинаётган спортчилар таркиби, тайёргарлик дастури, спортчиларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати, машғулот ҳамда мусобақаларда

қатнашиш мундарижаси федерация вакиллари, мутахассислар билан муҳокама қилинди.

Терма жамоаларнинг янада юқори натижа кўрсатиши, жисмоний ва функционал тайёргарлигини ошириш мақсадида хорижлик маҳоратли мутахассисларни жалб қилиш, оммавий спорт тарғиботини кучайтириш, спортчиларни тизимли тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Муҳокамалар якунида ҳар бир спорт федерацияси келгуси йил учун белгиланган спорт тадбирлари тақвим режасини пухта шакллантириши, ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиши лозимлиги таъкидланди.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.



УЙҚУСИЗЛИК сурункали касалликлар ривожланиш хавфини оширади

Буюк Британия олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари кўпчиликл учун қизик бўлди. Хулоса қилинишича, агар одам сутка давомида беш соатдан кам ухласа, унда сурункали касалликлар ривожланиш хавфи 20 фоизга ошади. Уйқусизлик асоратлари, айниқса, ўрта ва кекса ёшли инсонлар саломатлигига кўпроқ хавф солади.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёда бир пайтнинг ўзида бир нечта сурункали хасталиклардан азият чекаётган беморлар сони тез суръатлар билан ўсмоқда. Айниқса, кексаларнинг яримдан кўпи икки ёки ундан ортиқ ёндош касалликларга эга.

"Бу ҳолат уйқу давомийлиги қисқариши билан қисман боғлиқ, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири Северин Сабиа. — Чунки мия ҳужайралари уйқу пайтида ўз ДНКларини тиклаш билан машғул бўлади. Шу боис тунда тўйиб ухламаган кишилар соғлигида бора-бора жиддий муаммолар юзага келиши мумкин".

Тадқиқот давомида 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган етти минг нафар иштирокчининг саломатлигидаги ўзгаришлар кузатиб борилди. Аниқланишича, кунига беш соатдан кам ухлаганларнинг бетоб бўлиш эҳтимоли кўпроқ.

Яъни уларда сурункали касалликка ча-линиш хавфи тахминан 20 фоизга ошган. Шундоқ ҳам бирор хасталикдан оғрийди-ган инсонларда эса юқоридаги кўрсаткич 30-40 фоизгача етган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

МУАССИС:



O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDYOQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1041. 1850 nusxada bosildi. O'za yakuni — 22:21
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:15
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda